

**1. Савол:** Мен 2021 йилнинг май ойида Республика ихтисослаштирилган илмий амалий тиббиёт марказига даволаниш учун ордер олган эдим. Аммо май ойида касал бўлиб қолган эдим. Бора олмадим. Хозир эса янгича ордер тизими йўлга қўйилибди. Хозирда мандаги эски ордер билан имтиёзли даволанишга ҳуқуқим борми?

**Жавоб:** *Албатта, Сиз ўзингиздаги аввал берилган ордер билан 2021 йилнинг 31 декабригача даволанишга ҳуқуқингиз бор.*

**2. Савол:** Манга 2021 йилнинг июль ойида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида имтиёзли равишда даволанишим учун ордер беришган эди. Коксартроз касаллиги туфайли операция қилинишим керак. Менга бўкса бўғимига эндопротез қўйилиши лозим экан. Шу ордер билан борсам, эндопротез билан ҳам шифохона таъминлайдими?

**Жавоб:** *Йўқ. Сизга берилган ордер асосида кўрсатиладиган тиббий хизматлар сарф харажатига имплантнинг сарф харажати киритилмаган.*

**3. Савол:** Мен Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт имтиёзли йўлланма олган эдим. Менга тизза бўғими артрози-гонартрози ташхиси қўйилган. Менга тизза бўғимига эндопротез қўйиш керак экан. Мен Италия давлатини эндопротезини қўйдирмоқчи эдим. Менга бюджет хисобидан ўзим хоҳлаган эндопротез қўйиладими?

**Жавоб:** *Сизнинг тизза бўғимингизга тана тузилишингиз, касалликнинг турига қараб ва шифохона балансида мавжуд бўлган эндопротез қўйилади. Сиз шифохона балансида мавжуд бўлган эндопротезлардан бирон турини танлай биласиз. Агар шифохона балансида Италияда ишлаб чиқарилган эндопротез мавжуд бўлмаса, Сизнинг хоҳишингизни бажаришнинг имкони йўқ.*

**4. Савол:** Мен Андижон вилоятиданман. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт имтиёзли йўлланма олган эдим. Президент қарори асосида ушбу йўлланма асосида мен ўзим истиқомат қилаётган вилоятда хусусий шифохонада операция қилдирсам бўладими?

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли “СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА” ГИ Қарори асосида травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан нодавлат тиббиёт ташиқлотлари томонидан кўрсатилишига 2022 йил 1 январдан рухсат берилиши келтириб ўтилган.

**5. Савол:** 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб, менда агар имтиёзли йўлланмам бўлса, исталган нодавлат тиббиёт муассасида даволанишга ҳуқуқим бўладими?

**Жавоб:** Йўқ. Нодавлат тиббиёт ташиқлотлари томонидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга тиббий хизмат кўрсатиши Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартнома тузилган тақдирдагина амалга оширилади.

**6. Савол:** Менга имтиёзли даволаниш учун келишим ҳақида марказдан хабарнома келди. Қанча муддат ичида мен шифохонага бориб ётишим мумкин?

**Жавоб:** Сиз хабарнома олган кундан 1 ой муддат ичида келиб даволанишингиз лозим бўлади.

**7. Савол:** Менга хокимият эндопротез учун пул ўтказиб берган. Хозирда имтиёзли йўлланма билан травматология ва ортопедия марказида хокимият томонидан харид қилинган эндопротез кўйдириш мақсадида ушбу имтиёзли йўлланма билан давлат ҳисобидан даволансам бўладими?

**Жавоб:** Сизга агар имтиёзли йўлланма травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказида даволаниши учун берилган бўлса, Сизнинг ушбу марказда диагностикангиз, даволанишингиз ва ўтказиладиган операциянинг сарф харажатлари давлат томонидан давлат тиббий суғурта жамғармаси орқали қопланиб берилади. Эндопротез сарф харажатлари эса Сизга хокимият орқали ажратилган маблағ ҳисобидан қопланади.